

ТАЛАБАЛАР АМАЛИЙ ИШЛАРИНИ БАХОЛАШНИНГ МИҚДОРИЙ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

Юсупов Мухаммад Махмудович

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим ўқитувчиси, Жиззах,
Ўзбекистон*

e-mail:yusupovm1980@gmail.com

Аннотация. Мақолада талабаларнинг амалий машғулотларда яқка тартибдаги амалий ишларини бажарилишини баҳолашнинг миқдорий рейтинг тизими мазмуни ва моҳияти ҳақида мулоҳазалар баён қилинади.

Калит сўзлари: ускуна, жихоз, назорат, биланка, топириқ, “тўлиқ”, “қисман”, операция.

Амалий машғулотларда ишни бажарган талабалар фаолиятини баҳолашга уларнинг барчасини фаоллик кўрсатиб бир хил билим, кўникма ва уқувга эга деб бўлмайди. Бундай ҳолатларда талабалар ишини тўғри баҳолашнинг усули уларга ҳар бир фаолияти бўйича алоҳида –баллар бериб жамлаш, яъни миқдорий рейтинг тизимини қўллаш ва поғонали баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Талабалар амалий ишларни бажаришдаги баҳолаш фаолиятига, назарий билимлар савияси, техника хавсизлиги ўқитувчи аниқ илмий асосланган талаб ва мезонларга таянмаган қоидалар, схемани оқилона тушина олиши, ускуна ва жихозларни тўғри ва мувофиқ танлай олиш, схемадан техник маълумот асосида фойдаланиши, ишни бажариш сифати, ҳисоблаш ҳисобатини расмийлаштириш ва ишга муносабати ва бошқа хусусият, фазилят ҳамда омиллар киради.

Тажрибали ўқитувчиларнинг фикрига кўра талабаларнинг муваффақиятини аввало юқоридаги фаолият омиллари барчаси бўйича ва ҳеч бўлмаганда кўпчилиги бўйича баҳолаш яхши натижа беради. Ана шу баҳолаш асосида жамланган ўртача умумий баҳо қўйилади. Талабаларнинг амалий ишлари бўйича кўникма ва малакаларни аниқлаш муаммоси педагогикада, гарчи янги бўлмаса ҳам, уни адолатли ҳал қилишда кўпинча жиддий қийинчиликларга дуч келинади, буни шахс тажрибаси шаклланганлик жараёнини билимининг ўзи мураккаб ходиса эканлиги билан изохлаш ўринли. Таъкидланганларини қуйдагича асослаш мумкин бўлади.

Талабани баҳолаш аввало субъектив тавсифга эга: жумладан ўқитувчи аниқ илмий асосланган талаб ва мезонларга таянмаган ҳолда, талабанинг ўзининг шахсий таассуроти ва фикри асосида баҳолайди. Бу айниқса битта

бир хил ҳар хил баҳолашда яққол намоён бўлади. Жумладан, хайъатини битта аъзоси талаба фаолиятини баҳолашда асосий этиборни унинг материални чуқур билишга, иккинчиси - унинг нотиклиги (равон баён қилиши) га, учинчиси - фикрлашининг мустақиллигига, тўртинчиси эса амалий кўникмаларининг юқори шаклланганлигига қаратиш ҳоллари учрайди.

“Технологик таълим” факултетларида “Техник ижодкорлик ва дизайн” фанларидан амалий ишларни бажариши талаб қилинади. Бажарилган амалий ишни ўқитувчи тамонидан тўғри баҳолаш амалий машғулотнинг якуний қисми ҳисобланади. Ушбу масалани тўғри қилишнинг қийинчилик томони талабалар бажарган ҳар хил амалий ишларни бир хил педагогик шароитга келтириб олишнинг мушкуллиги ҳисобланади. Бу масалани мувофиқ ҳал қилишда аввало талабаларнинг берилган амалий ишларни бажаришда талаб қилинидиган зарурий амалий билим, кўникма ва малакаларнинг таркибини олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки амалий ишни бажаришда талабаларнинг барчасини фаоллик кўрсатиб бир хил билимга эга деб бўлмайди. Айтилганлар эса талабаларнинг амалий ишларни бажаришдаги фаолиятлари мезони (омиллари) ни тўғри шакиллантириш орқали баҳолашни тақозо этади ва унга талабанинг:

1. Назарий билимлар савияси;
2. Техника хавфсизлиги қоидалари;
3. Топшириқ схема (чизма)сини оқилона ишлаб чиқиши;
4. Керакли ускуна ва жихозларни тўғри ва мувофиқ танлай олиши;
5. Амалий ишни бажариш сифати;
6. Техник-технологик маълумотлардан илмий асосда фойдаланиши;
7. Ёзма ҳисоботни расмийлаштириши;
8. Ишга муносабати;
9. Ишни бажаришдаги четга чиқишлари;
10. Талабанинг назорат саволлари ва тушунчаларга муносабати ва бошқа фазилатлари киради.

Шу маънода амалий ишларни баҳолашда билиш фаолиятини поғонали баҳолашнинг миқдорий рейтинг мезонлари тизимидан фойдаланишни самарали деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир бажарилган лаборатория иши учун балли тизимдан фойдаланилганда барча талабаларнинг тўлиқ бажарилишини “2” балл билан, қисман бажарилишини “1” билан ва бажарилмаганлигини “0” билан белгилаш тавсия этилади.

Юқоридагидек амалий ишларни бажаришдаги талабалар фаолиятини баҳолаш мезон (талаб)ларни 10 тадан иборат бўлганда, унинг тўлиқ бажарилиши “2” балл бўлганда барчаси 20 баллни ташкил этади ва у 100 фоизга тенг бўлади.

Юқоридаги талаблар жадвалда қуйдагича ифодаланади (1-жадвал).

Асосий мезон	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	Жами болалар	Фоиз %
--------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	--------------	--------

лар												
Талаба лар фа- олияти	2	2	1	2	0	2	1	0	2	2	14	70

Ушбу жадвал талабанинг билимларини баҳолаш пайтида бевосита ўша жадвал тўлдирилади. Юқоридаги мисолда талабанинг амалий ишни бажаришдан ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалари умумий ҳолда $B = \frac{14 \cdot 100}{20} = 70\%$ ни ташкил қилади. Агар бу талабалар 85% ва ундан юқори бажарилса, “5” (аъло) баҳога; 65-84% оралиғида бўлса “4” (яхши) баҳога ва талаб 45-64% га бажарилганда “3” (ўрта) баҳога лойиқ дейиш мумкин.

Бундай талабалар билимини миқдорий баҳолашнинг рейтинг тизимини амалга ошириш учун ўқитивчи биринчи машғулотда бу усулнинг мазмуни, моҳияти ва тартиби билан талабаларни таништириш лозим. Бунинг учун ўқув хонасига шунга талукли жадвал ва талабалар схемаси илиб қўйилади. Бу ўз навбатида ўқитувчининг ҳар бир талабага қайси фаолиятини биринчи навбатда яхшилаши зарурлигига оид тўғри маслаҳатлар беришига ҳам имконият яратади.

Айтилганлар бош масала бу амалий ишнинг сифатли ва тўғри бажаришини, ортиқча қоғозбозликни бартараф қилинишини таъминлаб, педагогик самарадорликка таъсир этувчи омилларни тўғри баҳолаш имконини яратади. Бундай талабалар билимини миқдорий дифференциал баҳолаш схемасидан фойдаланишда ҳар бир талаба ҳисобат дафтарида 1-жадвал схемаси билими таъминланади. Талабанинг билимини унинг талабаларга берган жавоби савиясига қараб бевосита синов мулоқоти пайтида жадвални тўлдириб бориш орқали текширилади. Бунинг учун тахминан 2-3 минут сарфланади. Бундай талабалар амалий ишларини миқдорий баҳолашнинг рейтинг тизимини амалга ошириш учун ўқитувчи талабаларни биринчи амалий машғулот дорсида бу усулнинг мазмуни, моҳияти ва тартиб қоидалари билан яхшилаб таништиради. Бунинг учун кабинетда олдиндан тайёрлаб илиб қўйилган кўргазма доскасидаги шунга тааллуқли жадвал ва талабалар схемасидан фойдаланилади.

Ҳисобат дафтаридаги жадвалда ҳар бир талабанинг қайси фаолият талабларини “тўлиқ” ёки “қисман” бажарганлиги ёки бажармаганлиги талабанинг ўзига ҳам шахсан равшан бўлиб туради ва келажакда бу кузатилган нуқсонларни бартараф қилиш учун ҳаракат қилишда муҳим туртки восита бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида ўқитувчининг ҳам қайси фаолиятини биринчи навбатда яхшилаш зарурлигига оид тўғри маслаҳатлар бериш ҳам катта имконият яратади. Амалий ишни бажариш ва баҳолашда

кўзда тутилган амалий билим, кўникма ва малака, вазият ҳамда дидактив имкониятлардан келиб чиқиб ҳар хил босқич учун унинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, амалий топшириқлар тизимини ишлаб чиқди.

Шундан кийин амалий ишларни тайёрлаш ва бажариш жараёнини босқичларга бўлиб чиқилди ва ҳар бир босқич учун унинг ўзига хослигини эътиборга олиб дастурлаштирилган ўқув амалий топшириқлар ишлаб чиқилади. Ўтказилган тахминий тадқиқотлар натижаларига кўра ҳар қандай лаборатория ишини бажаришга тайёрлаш учун қуйидаги ўқув амалий топшириқлар тизимини тавсия қилиш мумкин. Унга

1-топшириқ амалий иш топшириғини қурилмаси ;

2-топшириқ иш жойи жихозларини, техника хавфсизлиги қоидаларини, ишни бажариш тартиби ва ҳисобат бериш (ишни топшириш) шаклини ўзлаштириш:

3-топшириқ амалий ишни бажаришга оид операсия ва усулларни ўзлаштириш :

4-топшириқ берилган амалий иш конструкциясига оид таянч билимлар бўйича ахборотлар тўплаш ва охириги ечимни аниқлаш:

5- топшириқ зарурий схема, бланка, назорат саволлари ва тавсия қиладиган адабиёт ҳамда бошқа манбалар мазмуни аниқ белгилар киради.

Талабаларни ускуна ва қурилмаларда ишни бажаришга тайёрлашда уларнинг ўз фаолияти (ишни бажариш) ва олган натижаларнинг тўғрилигини ўзлари тезкор назорат қилиб бориши лозим. Бу эса талабалар ўз олган баҳоларини нега шунга лойиқ деб топилганлигини тўғри англаб етишлари ва уларнинг кейинги машғулотларда бундай камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Шарипов Ш.С. Муслимов Н.А., Техническое творчество и дизайн. Учебные пособия, Тошкент, 2007. С.206.

2. Исмоилов Т., Тоғаев Х., Юсупов К. Основы техничество. Джизак. 2016. С. 100.

3. Воробъов А.И., Лиманский А.С. Техническое моделирование и конструирование. Ташкент. Учитель. 1990. С.210.

4. Тоғаев Х. О педагогический управлении в совершенствовании творческой личности. // Наука 21 века: вопросы, гипотезы, ответы. Междрународный научный журнал. 20.07.2013